



Мустақил баҳоловчи ташкилот
тўғрисида маълумот:

«PREMIUM FINANCE»

масъулияти чекланган
жамияти

Манзил: 100084, Тошкент шаҳри,
Амир Темура кўчаси, 107Б

х/р: 2020 8000 3006 8088 4001

«ОРИЕНТ ФИНАНС» ХАТБ

банк коди: 01071, СТИР: 304 361 782

Юридик шахсни рўйхатдан
ўтказилганлиги тўғрисида
маълумотлар:

10.10.2016 йилдаги 009518 – 09 - сонли

Ўзбекистон Республикаси

Молия вазирлиги

хабарнома қабул қилинганлиги
тўғрисида тасдиқнома

26.11.2021 йилдаги 16255 – сонли

Телефонлар:

(+998 98) 125 – 54 – 44

(+998 97) 737 – 91 – 81

e-mail: info@pfgroup.uz

«Трастбанк» хусусий акциядорлик банкининг 2023 йилдаги корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича ХУЛОСАСИ

«Трастбанк» хусусий акциядорлик банки корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича хулоса «PREMIUM FINANCE» масъулияти чекланган жамияти томонидан тайёрланди.

2024 йил 29 февралдаги 5/К24 – сонли шартномага асосан «Трастбанк» хусусий акциядорлик банкида корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш ўтказилди. Мустақил баҳолаш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, жумладан акциядорлик жамиятларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириш Комиссияси томонидан (2015 йил 31 декабрдаги 9 – сонли баённома) тасдиқланган Корпоратив бошқарув Кодексига мувофиқ амалга оширилди.

«Трастбанк» хусусий акциядорлик банкида корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил ҳолисона фикрни шакллантириш баҳолаш ўтказилишининг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

«Трастбанк» хусусий акциядорлик банки корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий – таълим маркази томонидан 2016 йил 25 июлда тасдиқланган Саволнома асосида амалга оширилди.

«PREMIUM FINANCE» МЧЖ фақат «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар асосида Банкнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида шакллантирилган ўз нуқтаи назарини ифодалаганлиги учун жавобгар ҳисобланади.

«Трастбанк» хусусий акциядорлик банки тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материалларнинг тўлиқлиги, мазмуни ва ишончилиги учун жавобгар ҳисобланади. Олинган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материалларнинг асл нусхалиги ва ишончилиги текширилмади ва эътироз билдирилмади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар Банк корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил фикр ифодалаш учун етарли асос бўлиб хизмат қилади.

Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларига кўра «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки корпоратив бошқарув тизимининг ҳақиқий баҳоси **1 038 баллни** ёки фоиз кўринишида **86,50%** ни ташкил этди ва «PREMIUM FINANCE» МЧЖ томонидан Жамият корпоратив бошқарув тизимига «**юқори**» даражадаги баҳо берилди.

Хулоса 2024 йил 15 март
санасида берилди



2023 йил учун
«ТРАСТБАНК» ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ

Т/р	Йўналишлар	Саволлар сони	Қуйи балл	Юқори балл	Ҳақиқий балл
I	Корпоратив бошқарув кодексини жорий этишга тайёргарлик кўриш жараёнини баҳолаш	13	-135	135	135
II	Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига амал қилинишини баҳолаш	37	-360	360	330
III	Банк ташкилий тузилмасини баҳолаш	3	-30	30	30
IV	Конкурс танлови ўтказилишини баҳолаш	5	-45	45	-5
V	Банк ҳисоботларини БХХС га ва аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ошкор қилинишини баҳолаш	3	-50	50	50
VI	Бошқарувнинг замонавий тизимларини жорий этилишини баҳолаш (ISO, ERP, НИОКР ва бошқалар)	5	-55	55	45
VII	Ахборот сиёсатини баҳолаш	5	-170	320	273
VIII	Молиявий натижаларни баҳолаш	4	-150	150	125
IX	Банк фаолиятининг бошқа йўналишларини баҳолаш	25	-205	55	55

